

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**378** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

«Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сон Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 5 ноябрь,
ПҚ–1430-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 5 ноябрдаги
ПҚ–1430-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди, «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «баҳоловчи томонидан тузилган» сўзлари «баҳоловчи ташкилот томонидан тайёрланган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ–458-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомобилотransпорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «2004 йил 25 мартдаги 140-сон» сўзлари «2009 йил 15 июлдаги 200-сон» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг биринчи хатбошидаги «ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахс томонидан» сўзлари «баҳоловчи ташкилот томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банднинг учинчи хатбошидаги «баҳоловчидан» сўзлари «баҳоловчи ташкилотдан» сўзлари билан, «хулоса» сўзи «ҳисобот» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «хулоса» сўзи «ҳисобот» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 22-банд матни «мутахассисларнинг» сўзидан кейин «, баҳолаш ташкилотлари ходимларининг» сўзлари билан тўлдирилсин;

е) 23-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошидаги «баҳоловчи» сўзи «баҳолаш ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банди иккинчи хатбошидаги «мустақил баҳоловчи» сўзлари «баҳоловчи ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ–722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошидаги «баҳоловчилар» сўзи «баҳоловчи ташкилотлар» сўзлари билан алмаштирилсин.